

ЕР ФОНДИДАН ФОЙДАЛАНИШ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНИ БОШ СХЕМА ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Мухаммадбек Дилшодбек ўғли Махсудов

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари
институти таянч докторанти

muhammadbek.maxsudov@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кунда долзарб бўлиб келаётган ердан фойдаланиш масалалари, ерга бўлган ҳуқуқларнинг кафолатлари, ҳудудларни ривожлантиришда ердан фойдаланишни диверсификация қилиш масалаларини туман ҳудудларида ердан фойдаланишни диверсификация қилиш бош схемаси асосида тартибга солиш хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: ер, ер фонди, диверсификация, бош схема, ердан фойдаланиш.

REGULATION OF THE DIVERSIFICATION OF LAND USE BY THE GENERAL SCHEME

Muhammadbek Dilshodbek ugli Mahsudov

PhD student of Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

muhammadbek.maxsudov@bk.ru

ABSTRACT

This article deals with the current issues of land use, guarantees of land rights, diversification of land use in the development of territories, diversification of land use in the district on the basis of diversification of land use.

Keywords: land, land fund, diversification, general scheme, land use.

КИРИШ

Ер иқтисодиётнинг барча тармоқлари, қишлоқ хўжалигида маҳсулот этиширишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ер ресурсларига нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, ундан самарали фойдаланиш, албатта, мамлакатимиз ободлиги ва фаровонлигига хизмат қиласи. Шу боисдан сўнгги йилларда юртимизда ер ресурсларини асраш, ундан самарали фойдаланиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Туман ҳудудини диверсификация қилишнинг муҳим омилларидан бири сифатида иқтисодий кўрсаткичларни юксалтиришdir. Туман иқтисодий тизими-маълум фазовий ўлчамларга эга ва мураккаб минтақавий тизим ҳисобланади. У туманнинг иқтисодий тизими: ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳияти, ишлаб чиқариш кучларининг самарали жойлашуви, аҳолининг турмуш даражаси ва сифати, маҳаллий бошқарув органларининг фаолиятини ўз ичига олади. Туман иқтисодий тизими мураккаб тузилмага эга бўлиб, ноаниқлик ва хилма–хиллиқда ривожланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛГИЯ

Худудлар ердан самарали фойдаланишни тартибга солиш юзасидан ривожланган давлатлар тажрибасини таҳлил қилсак. Австралиядаги давлат ер ресурслари "Экологик режалаштириш қонунчилиги" асосида бошқарилади. Ердан фойдаланишнинг умумий қоидалари; ҳудудларни ривожлантириш ва табиий муҳитни муҳофаза қилиш режаларини тузиш тартиблари; ердан фойдаланиш учун рухсат олиш мумкин бўлган жараёнлар қатъий тартибга солиниши белгилаб қўйилган.

Америка Кўшма Штатларида ердан фойдаланишни режалаштириш ердан фойдаланишни тартибга солишнинг кучли механизми мавжуд. У бир асрдан ортиқ анъаналарга эга бўлиб, дастлаб шаҳар жойларининг ўсиши ва ривожланиши ва уларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Келгусида шаҳарларга туташ, қишлоқ жойларини ва бутун туманларни қамраб олган ҳудудларда ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш режалари тузила бошланди. Ушбу режа ва лойиҳалар 15-25 йил учун тузилади ва ҳудуднинг кўринишини бутунлай ўзгартиради. Кўшма Штатларда режалаштириш хусусий мулк бўлган ерлардан фойдаланишни тартибга солиш мақсадаида раёнлаштириш тамойилига асосланади. Кўшма Штатларда Молия вазирлиги қошида умумреспубликавий “Ер ресурсларини бошқариш бюроси” мавжуд бўлиб, давлат ерлари билан боғлиқ қонун ҳужжатларини бошқариш, ижро таъминлаш вазифаси юклатилган. Кўшма Штатларда ўрта фермер хўжаликлари ҳукмрон аҳамиятини йўқотмоқда ва улар ўрнини деярли 180 гектар ер майдонига эга йирик хўжаликлар эгалламоқда. Бир неча оилаларнинг бирлашуви бўлган ҳамкор ва корпоратив хўжаликларнинг ривожланиши мавжуд. Бундан ташқари, уларнинг характерли хусусияти шундаки, улар йўлланма ходимлартомонидан бошқарилади ва улар ердан фойдаланиш ҳажми учун ҳам, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми учун ҳам энг катта ҳисобланади. Кўшма Штатларда қишлоқ хўжалик ерларини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати атроф-муҳит ифлосланишини камайтириш, юқориер унумдорлигини сақлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун субсидиялар

бериш ва ижара тўловларини тўлаш, хавфсизлик фаолиятини рағбатлантириш орқали қишлоқ хўжалиги даромадларини максималлаштиришга қаратилган. Кўшма Штатлар ер муҳофазасининг ихтиёрий табиатига эга. Масалан, отонасидан ер мерос қилиб олган, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар фарзандлари учун табиий ресурсларни асраш зарур деб ҳисоблайдилар ва давлат асосан ҳимоя чораларини амалга оширишда иштирокчиларни рағбатлантириш учун иқтисодий воситалардан фойдаланади.

Канадада ердан фойдаланишни режалаштириш З даражада:

- келажакда ердан фойдаланишни ривожлантириш, туар-жойни яҳшилаш, шаҳарсозлик, инфратузилма ва бошқалар бўйича давлатнинг норматив-хуқуқий хужжатлари билан ташкил этилган;
- вилоят (округ, вилоят ва шаҳар режалари билан белгиланган);
- маҳаллий (қишлоқ ҳудудлари учун ривожланиш режалари билан белгиланган).

Бу режаларни амалга ошириш учун ҳудудий ерларни бошқариш лойиҳалари тузилади (тақсимлаш, қайта тақсимлаш, ер ўлчаш, шаҳарларда эса — ҳудудни режалаштириш ва ривожлантириш).

Буюк Британияда ер участкаларидан фойдаланиш ва муҳофaza қилишни режалаштириш мамлакат ер сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, чунки у ҳудуддан фойдаланишнинг асосий йўналишларини, транспорт, коммуникация йўналишларини, қайта қуриш ва инфраструктурани ривожлантиришни белгилайди. Шу билан бирга еручасткасининг фойдаланиш мақсадини ўзгартириш фақат маҳаллий режалаштириш кенгашлари билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.


Россия Федерациясида "Ер тузиш тўғрисида"ти қонуннинг 19-моддаси асосида Федерацияда ердан фойдаланиш ва муҳофaza қилишни режалаштириш бўйича ер тузиш хужжатларининг асосий турлари қуйидагicha:

- Россия Федерациясида ерларни бошқаришнинг умумий схемаси;
 - Россия Федерацияси субъектларининг ҳудудларини бошқариш схемалари;
 - Муниципиал бирликлар ва бошқа маъмурий-ҳудудий бирликлар учун ерларни бошқариш схемалари;
- Ердан фойдаланиш ва муҳофaza қилиш схемалари.

Ердан фойдаланиш ва муҳофaza қилишни режалаштириш функцияси ер кадастри билан бевосита боғлиқ, чунки ер кадастри маълумотлари мавжуд бўлгандагина ердан фойдаланиш ва муҳофaza қилишни режалаштириш мумкин. Режалаштириш ҳудуднинг узоқ муддатли ривожланиш истиқболларини ижтимоий-иктисодий дастурлар ва тасдиқланган ер тузиш, шаҳарсозлик, атроф-муҳитни муҳофaza қилиш ва бошқа ҳужжатлар асосида аниқлаш мақсадида

амалга оширилади. Ерларни бошқаришнинг умумий схемаси узоқ муддатга тузилади ва республикалар, ҳудудлар, вилоятлар ва автоном бирликларнинг ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ташкил этиш бўйича энг йирик ижтимоий-иктисодий, илмий-техник вазифаларни ҳал этишни ўз ичига олади. У уч босқични ўз ичига олади: илмий-техник концепцияни тайёрлаш; схеманинг асосий қоидаларини ишлаб чиқиш; батафсил умумий схемани тайёрлаш.

Миллий иқтисодий режаларни асослаш ва ривожлантиришнинг энг муҳим усусларидан бири-режалаштиришда баланс усули бўлиб, бутун мамлакат, Федерация таркиbidаги республикалар, туманлар ҳудудида саноатни ривожлантиришнинг беш йиллик ва йиллик режаларини тузиш амалиётида қўлланилади. Россия Федерациясида 2003 йил 16 сентябрьдаги Федерал қонунига мувофиқ "Россия Федерациясида маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ташкил этишнинг умумий тамойиллари тўғрисида" саноат ерларидан фойдаланиш масалалари фақат маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг розилиги билан ҳал этилади. Ҳозирги кунда ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни режалаштириш 2015 йил 13 июлдаги "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида" 7-сон қонунига, Россия Федерацияси ер кодексида ва саноат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади. Россия иқтисодий ривожланиш вазирлиги Россия Федерациясининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш прогнозининг ташкилотчиси ҳисобланади. Прогнозлаш ва режалаштиришни ташкил этишга ер ресурсларидан фойдаланиш учун турли соҳалардаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашлар ёрдам беради. Уларнинг таркиби Россия Федерацияси ҳукумати томонидан тасдиқланади. Кенгаш Федерал ва минтақавий Ижроия органларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиради.



1-шакл. Россия Федерациясида прогнозлаш тамойиллари

Таъкидлаш лозимки, кўпгина ривожланган давлатларда ҳудудларнинг архитектура қиёфасини ўзгартиришга қаратилган давлат дастурларини амалга оширишда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини қонунга зид равишда олиб қўйиш ҳолатларининг олдини олишга катта эътибор берилмоқда. Масалан, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Грузия ва бошқа қатор мамлакатлар қонунчилигига ер участкаларини олиб қўйиш ёки олиб қўйилган ер участкаларига нисбатан компенсация турларини келишмаслик ёхуд уларни ўз вақтида бермаслик оқибатида мулкдорга зарар етказганлик учун мансабдор шахсларнинг қилмишини оғирлик даражасига қараб жавобгарликка тортиш қоидалари мавжуд.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Парламенти томонидан қабул қилинган «Ер участкаларини ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2021 йил 14 январь қуни давлат раҳбари томонидан имзоланди [1].

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 200²-модда билан тўлдирилиб, унда ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Соддороқ қилиб айтганда, мазкур кодексга киритилган қўшимчаларга кўра, ерни ноқонуний олиб қўйиш мансабдор шахсларга БҲМнинг 100 бараваридан 150 бараваригача (22 миллион 300 минг сўмдан 33 миллион 450 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар мазкур ҳукуқбузарлик мулкдорга етказилган заарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда биноларнинг бузиб ташланишига олиб келса, мансабдор шахсларга БҲМнинг 150 бараваридан 200 бараваригача (33 миллион 450 минг сўмдан 44 миллион 600 минг сўмгача) миқдорда жарима солиниши мумкин. Яна бир муҳим жиҳат, Жиноят кодекси "Ер участкаларини олиб қўйиш" учун жиноий жавобгарликни назарда тутивчи тўртта қисмдан иборат янги 229⁵-модда билан тўлдирилди. Бундан буён агар айбдор ер участкасини ноқонуний олиб қўйганлиги учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, ушбу ҳаракатни яна такоран содир этса, у мулкдорга зарар етказмаган тақдирда ҳам жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноят кодексига мувофиқ, маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такоран ерларни ноқонуний олиб қўйган мансабдор шахсларга БҲМнинг 200 бараваридан 250 бараваригача (44 миллион 600 минг сўмдан 55 миллион 750 минг сўмгача) миқдорда жарима, 300 соатдан 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари каби жазолар қўлланиллади. Мазкур жиноят мулкдорга етказилган заарнинг ўрни олдиндан ва тўлиқ қопланмаган ҳолда

биноларнинг бузиб ташланишига олиб келса ёки анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилса, мансабдор шахс З йилгача, кўп миқдорда зарап келтирса, З йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Булардан ташқари, мазкур қонунга асосан ерни ноқонуний олиб қўйиш мулкдорга жуда кўп миқдорда зарар етказса ёки кўпчилик учун хавфли бўлган усулда содир этилса, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Жиноят-процессуал кодексига киритилган қўшимчаларга кўра эса ер участкасини ноқонуний олиб қўйиш билан боғлиқ жиноят бўйича дастлабки тергов прокуратура органлари томонидан олиб борилиши белгиланди.

МУҲОКАМА

Тадқиқот натижасида ер фондидан фойдаланиш диверсификацияси атамасиги фанга таклиф этилади. **Ер фондидан фойдаланиш диверсификацияси¹** бу - ҳудуддаги ер майдонларидан самарали фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра доимий равища тоифаларга бўлишни, ижтимоий-иктисодий талабга кўра туркумланиши ўзгариб боришига таълуқли тушунчадир [3].

Маълум бир ҳудуддаги ер ресурсининг фойдаланиш мақсади ижтимоий-иктисодий талабларга кўра самарали фойдаланиш мақсадида ўзгариши натижасида ер фондидан фойдаланиш диверсификацияси амалга ошади. Бу жараён доимо амалга ошуви жараён хисобланади.

Қуидаги 2-шаклда маъмурий туман миқёсида қабул қиласданаиган қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бир қатор омиллар санаб ўтилган.



2-шакл. Худудлардан фойдаланишини прогнозлаши тамойиллари

¹ Муаллиф томонидан фанга атама сифатида таклиф қилинади.

Бугунги кунда юртимизда ер олди-сотдисининг яширин бозори, коррупция, қурилиш нормаларига риоя қилмаслик авж олмоқда, янги қурилган уйлар куламоқда, кўчириб юборилган аҳолининг ярмидан ками компенсация олган. Истиқболга бу каби оғир мерос билан бормаслик учун, маъмурий ҳудудларда ердан фойдаланишга оид қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатувчи омилларни (3-шакл) инобатга олган ҳолда мантиқий нуқта қўйиш керак.

Аҳолининг истиқболга ишончини мустаҳкамлаш мақсадида қўйидаги амалий жараёнларни қатъий норматив-хужжатлар асосида тартибга солиш зарур (4-шакл).

НАТИЖАЛАР

Туман ер фондидан фойдаланиш диверсификациясини прогноз кўрсаткичлари “Туман ер фонди диверсификациясининг Бош схемаси”да кўрсатилиши керак (1-жадвал). Ижтимоий-иктисодий тармоқларни истиқболда керакли майдонларини прогнозлаштириш-бош схеманинг асосий вазифаларидан биридир. Бу ерда асосан:

- ерларни ўзлаштириш;
- ишлиб чиқариш кучларини бир текисда жойлаштириш;
- қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовутни йўқотиш;
- аҳоли яшаш шароитларини яхшилашни таъминлаш;

Маъмурий туман минёсида қабул қила надаиган қарорларга таъсир кўрсатилиши мумкин бўлган омиллар:


Ер участкасининг мўлжалланган фойдаланиш вариантига мувофиқлиги (ўрнашган жой, экологик вазият, фойдаланишда чеклаш, фойдаланишнинг мақсадини тайинланиши);

Иктисодий кўрсаткичлар (ер участкасининг қиймати ёки ижара хақининг ҳажми, участкани ўзлаштиришга сарф-харажатлар, қўйилган мақсадга эришиш учун капитал қўйилма);

Мўлжалланган салбий жараёнлар, улар қўйилган мақсадга эришилгандан кейин пайдо бўлиши мумкин (экологик вазиятнинг ёмонлашуви, ахлоқий меъёрларнинг бузилиши, ижтимоий таранглариш ва мөжарали вазиятнинг вуждуга келиши, участкани фойдаланиши бўйича чеклашлар);

Кўйилган мақсадга эришилгандан кейин мўлжаланаётган фойда

3-шакл. Таъсир қилувчи омиллар

**4-шакл. Чора-тадбирлар****5-шакл. Туман ер фондидан фойдаланишини диверсификация қилиши бош схемасини тузишда ҳал қилинадиган асосий вазифалар**

- келажакда керакли майдонларни хисоблаш чиқиши ишлари амалга оширилади [2].

Ер фонди диверсификациясида қуйидаги кўрсаткичларни асосий омил сифатида инобатга олиш зарур:

-туман ер фондининг унумдорлик кўрсаткичи – тупроқ бонитет бали;

-туманнинг мавжуд экспорт салоҳияти (ҳозирги вақтда экспорт кўрсаткичи юкори экин турлари, ракобатбардош маҳсулот етиширишни йўлга қўйиш учун);
-тумандаги мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш (аҳолининг иш билан бандлик даражасини кўтариш мақсадида).

1-жадвал

Туман ер фонди диверсификацион бош схемаси таркиби	
<i>№</i>	<i>Бўлимлар номи</i>
1	Ер фонди тўғрисида умумий ҳарактеристика
2	Қишлоқ хўжалик тармоқларида ердан фойдаланишда ўтган йилдаги баҳоси
3	Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ер майдонларига бўлган талабни асослаш
5	Ерлардан самарали фойдаланиш даражасини ошириш таклифлари
6	Ер ресурсларидан муҳофаза қилиш тадбирлари тўғрисида
7	Туман ҳудудида яқин келажак 3-5 йилликдаги ўзгаришлар ҳолати
8	Янгидан барпо қилинадиган ижтимоий-иктисодий объектлар тавсифи
9	Аҳоли пунктлари майдонлари
10	Истиқболда ер ресурсларини ўзлаштириш имкониятлари ва тадбирлари
12	Ер муносабатларини тартибга солишдаги ҳуқуқий жиҳатдан ўзгаришлар
12	Туман ҳудудида ер ресурсларидан самарали фойдаланганлик учун рағбатлантириш чоралари
13	Туман ҳудудида ер ресурсларидан фойдаланиш учун инвестициялар лойиҳалари

Ер фондидан диверсификациясини тартибга солиш мақсадида олиб бориладиган ҳар қандай тадбирларни қўйи бўғинда туман (шаҳар) миқёсида режалаштириш ва туман ҳудудининг ўзига хослигини асосий омил сифатида инобатга олиш зарур. Туман ер фондини диверсификация қилишдан асосий мақсад туманни ривожланганлик, инновацион жозибадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашdir. Умими қилиб айтганда, ер фонди ва ер категориялари жамиятнинг ижтимоий-иктисодий талабларига кўра доимий равишда ўзгариб боради. 6-шаклда юкорида таъкидланган ҳолатлар санаб ўтилган. Ушбу ҳолатлар натижасида эса ер ресурсларидан фойдаланиш диверсификацияси процесси амалга оширилади (7-шакл).

ХУЛОСА

Туман ҳудудини ер фондини диверсификация қилиш орқали ривожлантиришни тартибга солиш мақсадида қуйидаги дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши таклиф қиласман:

- Саноатни ривожлантириш дастурлари.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш. Бунда қуйидаги тартиблаш усулларидан фойдаланилагилади:



6-шакл. Ер фонди категорияларининг сон ва сифат жиҳатидан ўзгариши



7-шакл. Ер ресурсларидан фойдаланиши диверсификацияси процесси

- ҳудудларда маҳсулот ҳажми, қишлоқ хўжалиги екин майдонлари ва ҳудудларнинг ихтисослашувини тартибга солиш;
- қишлоқда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини вужудга келтириш;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника базасини яхшилаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар тармоғини яратиш;
- табиатни муҳофаза қилувчи ва гидротехник қурилмаларни қуриш;
- заарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-куvvatлаш.

Кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурига мувофиқ қишлоқда мулқдорлар синфини, фермер хўжаликларини, дехқон хўжаликлари, кооперация, кластерларни шакллантириш жараёнлари давом эттириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, селекция ва уруғчиликни яҳшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмларини ўстириш чора-тадбирлари барқарор кўрилиши керак.

3. Ҳудудлар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва экспортбоп товарларга устунлик бериш орқали тартибга солиш. Туман ҳудудларида қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун мақсадли дастурлар тузиш ва уларни рағбатлантириш учун солик, бож, кредит имтиёзлари механизмини яратиш мақсадга мувофиқдир.

4. Транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш. Туман ҳудудларида темир йўллар, автомобил йўлларини қуриш ҳудудий сиёсатнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бунинг оқибатида ҳудудларининг марказ билан транспорт алоқаси сифатлилиги, вилоятлараро, туманлараро ташқи иқтисодий алоқалари кучайиши, тадбиркорлик, бизнес ривожланиши, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай муҳит яратилади.

5. Ҳудудларнинг ижтимоий ривожланишини тартибга солиш. Ижтимоий соҳани тартибга солиша республика, ҳудудий ва маҳаллий бошқариш даражалари мавжуд бўлади. Туман ҳудудининг ижтимоий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш территориал дастурлар орқали амалга оширилади. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий қўрсақчиларидан келиб чиқсан ҳолда, ўз соҳасининг профессионаллари томонидан дастурлар тузилса мақсадга мувофиқ бўлади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ер участкаларини ноқонуний олиб кўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни. 2021 йил 14 январь.
2. Altiev A.S., Mahsudov M.D. Methods of forecasting and management of land fund diversification in local areas. International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE).ISSN: 2277-3878, Volume-8, Issue-3S, October 2019. 403-411. DOI: 10.35940/ijrte.C1086.1083S19.
3. Altiev A., Mahsudov M.Improvement of the regulation mechanisms of the land use diversification. International Journal of Pharmaceutical Research. ISSN: 0975-2366. Oct - Dec 2020 | Vol 12 | Issue 4.668-672.DOI: <http://doi.org/10.31838/ijpr/2020.12.04.110>